

А Ж Р И М

2024 йил 12 январь

Нукус шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳри суди қуйидаги таркибда,
раислик қилувчи ушбу суднинг судьяси М.Байниязов,
судья ёрдамчиси М.Жаксылыковнинг котиблигида,
Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Асенбаева,
жабрланувчи М.Джалгасбаев, айбланувчи ХХ ва унинг ҳимоячи
адвокати М.Бабаназаровнинг иштирокида,

жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди биносида, очиқ суд
мажлисида дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси
ЖК 25,169-моддаси 1-қисми билан айбланувчи ХХга оид
1-2301-2302/583 (354011/2023-437В3)-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

1971 йил 09 май куни Нукус шаҳрида туғилган, Ўзбекистон
фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, ажрашган, мавсумий
ишчи, муқаддам судланмаган, Нукус шаҳри О.Айжанов кўчаси
5-уйда яшовчи Х, 2023 йил 30 октябрь кунидан сиртидан
қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ва
22.11.2023 йилдан бошлаб ушланиб, 30.11.2023 йили 2-сон
Тергов қамоқхонасига жойлаштирилган, айблов далолатнома
нухасини қонуний муддатида олган.

Суд, суд мажлисида айбланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини,
уларнинг аризаларини, прокурор ва ҳимоячининг фикрларини эшитиб, иш
материалларини ўрганиб ва уларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Айбланувчи ХХ 2023 йил 20 сентябрь куни спиртли ичимлик ичган
маст ҳолатда, фуқаро М.Джалгасбаевга тегишли, Нукус шаҳар П.Сейтов
кўчаси бўйидаги 18-уйнинг 1-кириш жойи(подъезд)нинг
1-қаватида, зинапояларда ўрнатилган темир периллаларга, ўртача бозор
баҳоси 30.000 сум бўлган қўлф орқали бекитилиб турган, ўртача бозор
нархи 1.000.000 сўм бўлган бир дона хаво рангли "Vike" русумли
велосипедини, қўлфини бузиш орқали яширин равишда талон-тарож
қилишга суиқасд қилмоқчи бўлган пайтида, фуқаро Б.Ержанов томонидан
жиноят устида қўлга олинган ва ўзининг жиноий қилмишини ўзига
боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга ошира олмаган.

Шундай қилиб, ХХ юқоридаги ҳаракати билан Ўзбекистон
Республикаси ЖК 25,169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни
қасддан содир этганликда айбланган.

Суд, суд мажлисида айбланувчи ХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПК
46-моддасида, жабрланувчи М.Джалгасбаевга ЖПК 55-моддасида назарда



тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган вақтда, улар томонидан судга жиноят ишни тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўраб ариза билан мурожаат қилди.

Суд мажлисида айбланувчи ХХ, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон экани, содир қилган иш ҳаракатларининг оқибатини тушуниб етгани, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, кечирим сўраганлигини, кечирим берганини, М.Джалгасбаев билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб кетганлигини, ҳеч ким ўзларига тазйиқ ўтказмаганлигини айтиб, жиноят ишини жабрланувчи билан ўзаро ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўраб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи М.Джалгасбаев, жиноят иши бўйича жабрланувчи тариқасида ярашув ҳуқуқларини тушунганлиги ва айбланувчи ХХ томонидан етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, айбига иқрор бўлиб, кечирим сўраганлиги сабабли у билан ўзаро ярашганлигини, унга нисбатан юритилаётган жиноят ишини ярашув орқали ҳаракатдан тугатишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, кечирим сўрагани, унга кечирим берганини, унга ҳеч қанақа даъвоси йўқлиги, ўзига етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз ихтиёрий билан ёзганлиги, ўзига ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлиги, у билан ўзаро ихтиёрий ярашганлиги, ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тўлиқ тушунтирилганлигини, унна нисбатан тўпланган жиноят ишини ўзларининг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 25,169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Суд, жабрланувчи М.Джалгасбаев, айбланувчи ХХ ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини тарафларнинг ўзаро ихтиёрий ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатиш тўғрисидаги фикрини эшитиб, ярашувнинг ихтиёрий эканлигини, унинг сабабларини, айбланувчининг илгари судланмаганлигини, ўз айбига ихтиёрий тўлиқ иқрорлигини, ўзи содир қилган қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлигини, жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ қоплаганлигини, айбланувчи, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ўз ихтиёрлари билан ярашганликларини эътиборга олиб, айбланувчи ХХни ЖК 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилиб, унинг қаршисидаги 354011/2023-437В3-сонли жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси ва ЖПК 84-моддаси 4-қисмига мувофиқ ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Айбланувчи ХХнинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни ва суд залидан дарҳол қамоқдан озод қилишни лозим топади.



Жабрланувчи М.Джалгасбаевга ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 423, 582, 583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Хга нисбатан тўпланган жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган Х ЖК 66¹-моддасига асосан жиний жавобгарликдан озод қилинсин, унинг қаршисидаги 1-2301-2302/583 (354011/2023-437ВЗ)-сонли жиноят иши тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Джалгасбаевга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Айбланувчи ХХнинг қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб суд залидан дарҳол озод этилсин.

Жиноят ишига қўшилган 1 дона қулф тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ажримдан норози томон ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, айбланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан бошлаб ун сутка муддат ичида ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига апелляция тартибида шикоят келтиришга, ажрим қонуний кучга киргандан кейин айбланувчи ҳамда жабрланувчи ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириш ҳуқуқи бор эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

М.Байниязов

